



ШОНЛИ ТАРИХ, БУЮК ЗОТЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИМИЗ

Улуғ мутафаккирларимиздан бири “Тарих — буюк мураббий” дегани чин ҳақиқат. Биз аксар ҳолатларда, айниқса, ўтмиш билан бугунги кунимизни қиёслаётганимизда, албатта, тарихга муносабат қиламиз, воқеа-ҳодисаларга тарихий баҳо берамиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам улкан ислохотлар, мислсиз ижтимоий янгиланишлар ҳақида сўз юритаётганида, “Тарихимизга назар солидиган бўлсак...” деган иборани кўп ёдимизга солади.

Бу мантиқан энг тўғри услуб, энг тўғри йўлдир. Яқинда давлатимиз раҳбари им-золаган “Ўзбекистон Республикаси дав-лат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўт-казиш тўғрисида”ги қарор бугун бунёд этилаётган янги Ўзбекистонимизга ҳам узок, ҳам яқин тарихимиздан туриб баҳо беришимизни тақозо этади. 34 йил тарих ўлчовида катта давр эмас аслида. Янги Ўзбекистонга пойдевор қўйилган 7-8 йил эса жуда-жуда қисқа муддат. Мана шу яқин ўтмишимизда юртимизда рўй берган улкан ўзгаришлар, янгиланишларни ҳаё-лингиздан ўтказсангиз, тарих зарваракла-ридан жой олган кўплаб муҳим воқеаларга гувоҳ бўласиз.

Бир мисол, яқин йилларгача Серге-ли туманига ер усти метроси келади деб ким ўйлаган эди? Айримлар 2020 йил 26 декабрь куни узунлиги 7,1 километр бўлган янги метро линияси фойдаланишга топширилган тарихий санани бугун эсдан чиқарган бўлиши мумкин. Чунки кўп вақт



Мамлакатимиз мустақиллиги тарихидаги 34 йил — халқимизнинг кураш ва юксалиш йўлидир. Бу йилларда олижаноб халқимиз не-не синовлар, машаққатларни енгиб ўтиб, истиқлолимизни ҳар томонлама мустақамлашга интиломда. Шу маънода, бу давр мустақиллиқни қўлга киритиш, сиёсий мустақиллиқни иқтисодий мустақиллик билан мустаҳкамлаш, турли тўсиқларни енгиб ўтиш ва янги марраларни забт этиш фурсати бўлди, дейиш мумкин.

► Давоми 2-бетда

ИШСИЗЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШ РИЗҚ ЙЎЛИНИ ОЧИШ ДЕМАКДИР

Ўтган ой мамлакатимиз ҳаётида ёрқин из қолдирадиган муҳим тарихий воқеаларга бой бўлди. 10-12 июнь кунлари бўлиб ўтган тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида 7500 дан ортиқ делегат, жумладан, 100 га яқин давлатдан салкам 3000 хорижий меҳмон иштирок этгани янги Ўзбекистонга ҳурмат, ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорлиқнинг чинакам ифодаси бўлди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, инвестициялар фақатгина иқтисодий тараққиёт эмас, балки тинчлик ва барқарорлиқнинг ҳам кафолатидир.

Биз танлаган йўл



Ислохот одимлари ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий модернизация жараёнларининг марказида инсон қадр, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ғояси устувор аҳамият касб этади. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолият босқичма-босқич янги, янада юқори поғоналарга кўтарилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ — қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари — биз учун олий қадрият”.

2030 йилгача инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия: янги лойиҳа тайёр, олдинги ҳужжат бажарилди

Юртимизда “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили”, деб эълон қилинган 2025 йилнинг ярми ортда қолди. Айни даврда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси-ни “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил

иқтисодиёт” йили”да амалга оширишга оид давлат дастури доирасида ҳаётимиз-нинг барча соҳа ва тармоқларида кенг қўламли янгиланишлар амалга оширилди. Хусусан, жорий йилнинг биринчи яр-мида Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача бўлган Миллий стратегияси” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Янги Миллий стратегия лойиҳа-сини такомиллаштириш мақсадида ўндан ортиқ тадбир — миллий ва халқаро дара-жадаги маслаҳатлашувлар ўтказилди.

► Давоми 5-бетда

Бугуннинг гапи ХИЗМАТЛАР СОҶАСИ ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИГА АЙЛАНМОҚДА

Одамлар орасида қайси маҳсулотга талаб ортса, бозорда ўшанинг харидорғирлиги ошиб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ҳам кўтарилади. Ўрни талабга яраша таклифни бера олган иқтисодиёт ривожланиб бораверади. Бугун инсонларнинг турмуш тарзи, яшаш шароити замонавийлашган, эҳтиёжлари ҳам шунга яраша.

► Давоми 4-бетда



ТЕЗЛИК ЭМАС, ҚОНУН УСТУВОР БЎЛСИН

Муносабат

Автомобиль — инсониятнинг энг буюк ихтироларидан бири. У бизга тезлик, қулайлик, эркин ҳаракат ва янги имкониятлар эшигини очди. Бир пайтлар оқилона бошқарганимизда у фаровонлик ва тараққиёт рамзи эди. Аммо бугун-чи? Бугун у тирбандликлар сабаб вақтимизни беҳуда сарфлаётган “темир қамал”га ҳам айланиб қолмоқда.



Тирбандлик

Йирик шаҳарлардаги ҳар кунги манзара: тўхтаб қолган машиналарнинг чексиз қатори, узун-юлуқ сигнал товушлари, ҳайдовчилар-нинг асабий юз ифодалари... Бу ҳол кунига тахминан бир-икки соатгача чўзилиши мум-кин. Бу эса ҳафтада 14 соат, ойда 56 соат, йилда 672 соат, яъни деярли 28 кун дегани. Демак, тирбандликлар йилига бир ойлик умримизни “еб қўйиши” мумкин.

Президентимиз жорий йил 9 июль куни йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ин-фратўзилмасини яхшилаш ва тирбандликлар-ни камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғили-шида пойтахтдаги тирбандлик масаласига тўхталиб, ўзи ҳам шу муаммога дуч келгани, одамлар шу сабаб уйига жуда кеч қайтаётга-ни ва бу кайфиятга таъсир кўрсатаётгани ҳақида гапирди.

► Давоми 4-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

ШОНЛИ ТАРИХ, БУЮК ЗОТЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИМИЗ



Шоҳаҳқор САЛИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Инсон эоти янги шароитлар, айниқса, яратилган қулайликларга тез қўникади, аммо яқин ўтмишни дарров эсдан чиқаради. Хорижий валюталар конвертациясининг ечими, пенсионерларнинг Тошкент метрополитен хизматидан бепул фойдаланиши, уларнинг пенсиясини тўлиқ олган ҳолда меҳнат фаолиятини самарали давом эттириши мумкинлиги, тадбиркорларга қулай банк хизматлари яратилгани... Эҳ-ҳе, кўп йиллар халқимизни қийнаб келган муаммолар кейинги пайтларда узил-кесил ҳал қилингани ҳақида ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Ўзбекистонда чорак асрдан кўп яшаб, фуқаролик паспортини олманганлар қанча эди? Қўшни мамлакатлардаги яқин қариндошларининг дийдорига йиллар давомида муштоқ бўлганлар-чи?

Юқорида тилга олинган қарорда ҳам айнан сўнгги йилларда инсон омилига катта эътибор қаратилаётганига алоҳида ургу

берилган. “Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида муҳассас этган ҳолда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадрли, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанамизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқиёс таянч бўлиб хизмат қилмоқда”, дейилган қарорда.

Эътибор берсангиз, ушбу жумлада истиклол даврида, айниқса, сўнгги йилларда янги Ўзбекистоннинг олдинга ташлаган мислсиз қадамлари, буюк музаффариятлари тажассум топган.

Бу зафарлар силсиласини барча соҳаларда кўриш мумкин. Ўзбекистон эндиликда хориқликлар учун очиқ мамлакат бўлди, туризм салоҳияти тўлиқ ишга солинаётган ўлкага айланди. Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги “2025-2026 йилларда сайёҳлар оқимини кескин кўпайтириш ва туристик хизматлар қўламини жадал кенгайтириш орқали туризмнинг иқтисодийдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони соҳа учун янги даврни бошлаб берди. Баҳор ойлари тарқалган расмий хабарда қайд этилишича, Ўзбекистонда сайёҳлик бўйича рекорд янгилашиб, уч ойда 20 фоиз ўсган, яъни мамлакатимизга хориждан уч миллиондан зиёд сайёҳ таширф буюрган. Хуллас, туризм ҳам иқтисодиётимизнинг юқсалиб бораётган соҳасига айланмоқда.

Қадимий шаҳарларимиз, беназир тамаддунимиз, замонавий меҳмонхоналар, обод қишлоқлар, бой ва фаровон



“**Ҳа, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва қатъий ҳаракатлари туфайли биз ишонч билан порлоқ келажак учун қадам ташламоқдамиз. Одамларимиз тафаккури ўзгарди. Президентимиз таъбири билан айтганда: “Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас. Тарихдан маълум: вақтни — имкониятга, имкониятни — ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ — буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда”.**

бозорларимиз хориқлик сайёҳ ва меҳмонларни ҳайратта солаётгани ҳам айни ҳақиқат. Холбуки, бундан бир неча йил илгари Ўзбекистонга нотинч Афғонистон жойлашган минтақанинг бир бўлаги сифатида қараларди. Бугун мамлакатимиз минтақавий барқарорлиқнинг асосий таянчига айлانганини дунё аҳли яхши билади.

“Юрган дарё, ўтирган бўйра” дейди доно халқимиз. Яқинда бир гуруҳ дўстларимиз билан Грузия ва Туркияга саёҳатга бордик. Грузия ўзининг қадим тарихий ёдгорликлари, бетакрор табиати,

мандарину апельсинлари, ўзига хос бошқа маҳсулотлари билан машҳур. Бир замонлар “Қолхидда” юк автомобиллари, ўзига хос таъьма эга чойлари каби маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган мамлакат савдо дўконларидаги озиқ-овқат нархи биз билан солиштирганда анча баланд. Масалан, бир килограмм лаҳм мол гўшти 80 лари (1 доллар — 2,72 лари), пломбир музқаймоғи 4,50 лари туради. Импорт ҳисобига ўсимлик ёғи нархи ҳам бизнинг бозорларимизга солиштирганда анча қиммат. Батумидаги савдо

МУСТАҚИЛИК — ОТА-БОБОЛАР ОРЗУСИ, КЕЛАЖАК АВЛОДЛАР ИФТИХОРИ, МИЛЛАТ ҚАЛБИДАГИ УЛУҒ ТҲҲҒУ

Бошланиши 1-бетда

Ота-боболаримиз асрлар давомида интилган, курашган, керак бўлса, жонини фидо қилган бебаҳо неъматни халқимиз кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда. Бу йўлда не-не синовларга дуч келганимиз ҳам бор гап. Халқимиз оқиллик, ҳамжиҳатлик билан довларда ошиб, дунёда ўз обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда. Шу боис, мустақиллик байрами биз учун азиз ва муқаррамдир.

1991 йил 31 август. Бу биз учун шунчаки рақам эмас — шаън, ғурур ва хурлик тимсолидир. Шу санада халқимиз асрий орзуси — Мустақиллиқни қўлга киритди.

Бугун бир ҳақиқат барчага аён, Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат, миллионлаб инсонларнинг сеvimли Ватани. Яхши қўшни, ҳалол ва ишончли ҳамкор, инвестицион жозибадор, тез ривожланаётган мамлакат.

Озод ва обод диёримиз миллий истиклолимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини қарши олмақда. Ушбу байрамни янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига муносиб тарзда, юксак савияда нишонлаш мақсадида Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик

қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

— Бугун ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкинки, дунё таҳликали. Унда кечаётган жараёнларни кўриб, мустақиллигимизни асраш, унинг қадрига етиш ҳар қачонгидан ҳам машаққатли бўлиб бораётганини ҳис қиляпмиз, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Отабек Ҳасанов. — Охириги саккиз йилда янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни кузатар эканмиз, барча соҳаларда туб ўзгаришларнинг гувоҳи бўламиз. Жумладан, 8 йил олдин бошланган кенг қўламли ислохотлар туфайли жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манзараси бутунлай ўзгариб бормоқда. Қисқа муддатда мамлакатимиз иқтисоди-

ёти шиддат билан ўсиб, ялли ички маҳсулот ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошди, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратиш бўйича улкан дастур ва лойиҳалар амалга оширилмоқда.

2017 йилда мактабгача таълим қамрови 27 фоизни ташкил этган бўлса, бугун 77 фоиз, олий таълимга қамров эса 49 фоизга етди.

Тан олиш керак, олдин мустақиллик ҳақида байрам арафасида гапирар эдик. Байрам йил бўйи — 365 кун сўз юритяпмиз. Сабаби, истиклол миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар барчани бирлаштирадиган байрам. Зеро, инсон ўзлигини намоеён қилиши, ҳаётда ўрнини топиши, ўзи

катта маъно-мазмун бор. Қарорга мувофиқ, ушбу байрамни муносиб нишонлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири бошчилигида республика комиссияси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

“**Байрам арафасида жойларда мустақилликнинг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, оқиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, миллий кино кунлари, умумхалқ сайиллари, маданият ва спорт тадбирлари ташкил этилади.**

— Тантанали тадбирларда адабиётимиз, санъатимизнинг барча йўналишлари қатори кино соҳаси вакиллари ҳам муносиб иштирок этади, — дейди Кинематография агентлиги директори вазифасини бажарувчи Шухрат Ризаев. — Биз охириги йилларда замон талабига жавоб берадиган ўнлаб бадий, ҳужжатли, анимацион фильмлар яратдик. Шу кунгача соҳада танловлар эълон қилсак, бор йўғи 40-50 киши даъвогарлик қиларди. Бу йил эса уларнинг сони 400 нафарга етди. Ана шу танловлар натижаси ўлароқ, 50 дан ортиқ лойиҳа танлаб олинди. Қувонарлиси, буларнинг барчаси мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни ўзида мужассам этган сценарийлардир. Масалан, ижтимоий ҳимоя, спорт, таълим, тадбиркорлик, инвестиция, “яшил иқтисодиёт” каби ўнлаб масалалар бу фильмларимизнинг мавзусига айланипти.

Ўзбекистон тобора инсон қадрли, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари улуғланадиган ижтимоий давлатга айланиб бораётгани, камбағаллиқни қисқартириш, ёрдамга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш, бандлиқни таъминлаш, замонавий иш ўринларини кўпайтириш бўйича давлат дастурлари катта ижобий натижалар бераётганини ҳар биримиз ҳаётимиз мисолида кўриб, ҳис этиб турибмиз.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Халқимиз тафаккуридаги ўзгаришлар, янгилаш жараёнлари ташкил этилажак байрам дастурларида ўз ифодасини топади.

Ҳа, мустақиллик бизга ўз кучига, билимига таяниши, катта марраларни қўлаб ҳаракат қилиши, ҳамжиҳатликда буюк ишларни амалга оширишни ўргатди. Ислохотлар инсон учун деган даъват сиёсатининг ўзагига айланди. Таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, спорт соҳаларида шу вақтга қадар қайд этилмаган натижаларга эришилмоқда.

Биргина Париж Олимпиадаси ва Паралимпиадасида спортчиларимиз илк бор кучли ўн бешталикдан жой олгани, футбол бўйича миллий терма жамоамиз Ўзбекистон тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатида йўллангани қўлга киритгани аини фикрларимиз исботидир.

Шу боис, байрам билан боғлиқ ташкилий жараёнларда ўғил-қизларимиз турли соҳалардаги ютуқлари, шаҳар ва қишлоқларимиз жадал суръатлар билан обод бўлиб бораётгани, кўп миллатли ва конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ислохотлар ёрқин мисоллар билан ақ эттирилди.

Ижодкор учун миллат юксалаётгани, халқнинг орзу-умидлари ушалаётганини кўриш, уни тараннум этиш катта бахт аслида. Ижод аҳли учун энг азиз мавзу — Ватан, энг азиз сўз — эрк ва Мустақиллик!

муаммолар, қўшнилар билан совуқ муносабатларни ҳам эслаш жоиз.

Аммо Аллоҳнинг инояти билан 2017 йилдан вазият буткул ўзгара бошлади. Халқ билан мулоқот тамойили ҳаётга татбиқ этилди. Янги Ўзбекистоннинг янгилашган Конституцияси қабул қилинди. Жамиятда янгилашлар изчиллик билан давом этди. Иқтисодий ислохотлар самарасини бутун ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

“Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорда қисқа муддатда мамлакатимиз иқтисодиёти шиддат билан ўсиб, ялли ички маҳсулотимиз ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратиш бўйича улкан дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилган.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон — инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакатини” тамойилини илгари сурди. Натижада ЯИМ саккиз йилда 2 баробар ўсди. 2024 йилда инвестиция ҳажми 35 миллиард долларга етди. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси халқимизнинг янги марраларни забт этишга ундамоқда.

Ҳа, давлатимиз раҳбарининг сиёсий иродаси ва қатъий ҳаракатлари туфайли биз ишонч билан порлоқ келажак учун қадам ташламоқдамиз. Одамларимиз тафаккури ўзгарди. Президентимиз таъбири билан айтганда: “**Биз энди кечаги одамлар эмасмиз. Халқимиз ҳам кечаги халқ эмас. Тарихдан маълум: вақтни — имкониятга, имкониятни — ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ — буюк халқдир. Бугун меҳнаткаш, мард ва олижаноб, меҳр-оқибатли элимиз айни шундай халқ бўлиб майдонга чиқмоқда”.**

Биз шонли тарих, буюк зотларнинг муносиб ворисларимиз, мустақил халқроқ субъект сифатида жаҳон майдонида ўзимизнинг мавқеимиз, овозимиз бор!



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

66 Бу йил инвестиция лойиҳалари ҳисобига 290 минг, доимий ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб этиш орқали 3,6 миллион, қишлоқ хўжалигида 1,2 миллион, қурилишда 169 минг иш ўрни очиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида 1,5 миллиондан зиёд одамнинг бандлигига қўмаклашиш белгиланган эди. Мазкур режа амалда 115 фоиш бажарилиб, 1 миллион 770,4 минг киши даромадли меҳнат билан банд қилинди.



ИШСИЗЛАРГА ҲУНАР ЎРГАТИШ РИЗҚ ЙЎЛИНИ ОЧИШ ДЕМАКДИР



Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Бу имкониятлар, ўз навбатида, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадини кўпайтириш, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги долзарб масалаларни самарали ҳал этишда катта имконият бўлади. Шу боис, ушбу кунларда рўй берган ангилик ва ўзгаришларни фаровон ҳаётимизни таъминлайдиган муҳим ҳафта сифатида алоҳида эътироф этиш мақсадида мувофиқ.

Дарвоқе, ишсизлик муаммосини бежиз тилга олмадик. Бу муаммо яқин-яқингача халқимизнинг ҳаёти сифатига оғир таъсир қўрсатар, мактабни битириб катта ҳаётга кириб келган минглаб ёшлар ўзига муносиб иш тополмай сарсон бўларди. Ишсизлик фақат мактаб битирувчиларини эмас, олий таълимни тугатган ёшларнинг ҳам жамиятда ўз ўрнини топишига тўсиқ эди. Шу туфайли қўлида олий маълумот тўғрисида диплом бўлса-да, юртидан иш топа олмаган кўплаб мутахассислар ва ишсиз ёшлар хорижга бориб қурилиш, хизмат кўрсатиш сингари ишларда ишлашга мажбур эди.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятига киришган илк йиллардаёқ бундай долзарб муаммоларга алоҳида эътибор қаратиб, халқимиз олис келажақда эмас, бугун бахтли яшашга ҳақли эканини, бунинг учун кўплаб ижтимоий-иқтисодий масалалар қаторида бандлик соҳасида янгича ёндашувларни жорий этиш лозимлигини таъкидлаганди. Бу борадаги ташаббуслар фақат ҳужжатларда эмас, ҳаётда ҳам самара бериши учун аниқ тизим яратилиб, шу асосда иш юритилипти.

Хусусан, аҳоли бандлиги ва даромадини оширишга ҳар томонлама қўмаклашиш, ишсизлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар, меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича янги таъсирчан механизмларни жорий этиш ҳамда эҳтиёжманд аҳолини меҳнат фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ишлар янгича ёндашувлар асосида ташкил этиляпти. Бу жаҳодаги юмушларни тизимли бажариш бўйича ижтимоий дафтарлар юритиш, маҳаллабай ишлаш йўлга қўйилди.

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, маҳалла банкири лавозими таъсис этилди. Ишсизлар ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишли қилиш, тадбиркорликка жалб этиш мақсадида субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилипти. Натижада Ўзбекистонда меҳнатта лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5 фойиздан 2025 йилнинг биринчи чорагида 5,4 фойизга тушди.

Бу ютуқлар ҳар биримизнинг ҳаётимизда натижасини намоён этмоқда. Ёшларимиз ўз юртида, оиласи бағрида яшаб юқори маошли иш топтомоқда. Ишсизларга ижтимоий дафтарлар орқали кўмак берилиб, бандлиги



таъминланаяпти, тадбиркорлар сафи кенгаймоқда. Улар яхши даромад топиши бораборида бир қанча иш ўрни ҳам очаяпти.

Ана шундай ютуқлар туфайли Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрни юқсалиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Яқинда яна бир хушхабар тарқалди: Global Soft Power Index 2025 рейтингига Ўзбекистон дунёда мамлакат бренди энг тез ўсаяётган етакчи 3 та давлат қаторидан жой олди. Бу мамлакатимизда инсон қадрини қўлаб амалга оширилаётган эзгу ислохотларнинг муҳим натижасидир.

Ушбу ислохотлар изчиллигини таъминлаш доимий эътиборда. Шу мақсадда юртимизда 2030 йилгача ишсизликни халқаро эътироф этилган даража — 5-6 фойиздан оширмаслик бўйича долзарб вазифалар белгиланиб, шу асосда иш юритилипти. Бугунги гоёсийёи ўзгаришлар, ўзаро ишонч инқироизи рўй бераётган мураккаб даврда бундай мақсад ва режаларни рўёбга чиқариш осон эмас. Аммо инсон қадрини барча нарсадан устун қўйилган янги Ўзбекистонда бу борада қатъий сиёсий ирода шакллангани ва амалий ишлар изчил йўлга қўйилгани ўз самарасини бераёттир.

Хусусан, бугун бу йўналишда ҳар бир маҳалла бўйича мақсадли кўрсаткичлар белгиланган. Аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган “Маҳалла лойиҳаси” дастури доирасида ажратиладиган 1 миллиард

Бу йил инвестиция лойиҳалари ҳисобига 290 минг, доимий ишга жойлаштириш ва тадбиркорликка жалб этиш орқали 3,6 миллион, қишлоқ хўжалигида 1,2 миллион, қурилишда 169 минг иш ўрни очиш кўзда тутилган. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида 1,5 миллиондан зиёд одамнинг бандлигига қўмаклашиш белгиланган эди. Мазкур режа амалда 115 фоиш бажарилиб, 1 миллион 770,4 минг киши даромадли меҳнат билан банд қилинди.

Табииyki, бу натижаларга ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Худудларда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш ва даромадини ошириш бўйича янгича ёндашувлар кенг жорий қилинаётгани, маҳаллаларда эҳтиёжманд аҳоли қатлами билан манзилли ишлаш ҳамда ижтимоий ҳисматлар кўламини кенгайтириш, мавжуд ресурслар, имтиёз ва преференциялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали юқори даромадли иш ўринлари очилаётгани бу борада муҳим омил бўлмоқда.

Томорқа — томнинг орқаси эмас, ҳазина

Янгича ёндашувлар ҳақида бежиз тўхталмадик. Сўнгги йилларда томорқачилик йўналишидаги ўзгаришларни бунга мисол қилиб



доллар кредит ресурслари банклар ва худудлар кесимида тақсимланди. Лойиҳа ишлаб чиқиш, кредит ажратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича туман банки раҳбарига ойма-ой самарадорлик кўрсаткичи қўйилди. Умуман олганда, 2025 йил бандлигини таъминлаш ва камбағалликни камайтиришда энг муҳим ва ҳал қилувчи йил бўлиши белгиланиб, шу мақсадда катта-катта лойиҳалар ҳаётга татбиқ этиляпти. Хусусан, бу йил 5 миллион 200 минг кишини ишли қилиб, 1,5 миллион одамни камбағалликдан чиқариш, 42 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб этиб, экспортни 30 миллиард доллардан ошириш режалаштирилган.

Бу йўналишда жорий йилнинг ўтган даврида қандай натижаларга эришилди деган савол туғилиши табиий. Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотига кўра, Президентимизнинг шу йил 17 январдаги “2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, даставвал аҳолини даромадли меҳнат билан таъминлаш дастури тасдиқланиб, шу йўналишда тизимли ишлар қилиняпти. Очиладиган иш ўринларининг ҳисобини юритиш ҳамда ҳаққонийлигини таъминлаш мақсадида вазирлик томонидан “yangiish.mehnat.uz” электрон дастури ишга туширилди.

келтирсак бўлади. Чунки аҳолининг салмоқли қисми қишлоқларда яшагани боис, томорқали хонадонлар анчагина. Аниқ рақамлар мисолида айтсак, 5 миллиондан зиёд хонадонда 508 минг гектар томорқа бор. Бу аҳолининг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун катта имконият. Аммо томорқадан унумли фойдаланиш учун шароит ҳам керак.

Аввало, худудлар шароитига мос экан тури ва уруғлиқни танлаш, қолаверса, экинга ишлов бериш, сугориш учун қўлай имконият бўлиши лозим. Акс ҳолда, ерга қадалган ниҳол айнаи пишиқчилик даврида сувсизлик ёки қаровсизлик туфайли нобуд бўлиши мумкин. Қишлоқ жойда туғилиб вояга етганим боис, бу манзара менга бегона эмас. Хонадонимиздаги каттагина томорқада етиштирилган ҳосил сувсизлик таъсирида айнаи пишиқчилик даврида нобуд бўлганига бир неча бор гувоҳ бўлганман. Табиийки, бу ҳолат одамларнинг қўлини меҳнатдан совитиб қўяди.

Президентимиз ўтган йили сентябрда камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳофамаси бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида шу жиҳатларни назарда



тутиб, “Одамларга қанча ёрдам бермайлик, маҳаллалар шароитини яхшилама-сак, камбағаллик қисқармайди”, деган эди. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида бу масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, шароити энг оғир маҳаллаларда сув насослари ва қуёш панеллари ўрнатиш, электр, йўл, интернет ва бошқа инфратузилма масалаларини ҳал этиш вазифалари белгиланган эди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги маълумотига кўра, бу вазифалар ижроси бўйича муайян ишлар бажариляпти. Жумладан, оғир аҳволдаги 1024 та маҳаллага республика даражасидаги 247 раҳбар ва ўринбосарлари бириктирилган. Улар худудлардаги қарийб 5000 та муаммони аниқлаган. Бугунга қадар масалаларнинг асосий қисми ижобий ҳал этилди. Қолган 200 га яқинининг ижроси босқичма-босқич таъминланмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида оғир тоифали маҳаллаларда томорқани сув билан таъминлаш, аҳолига электр энергиясини барқарор етказиб бериш, интернет сифатини ошириш ва ички йўлларни таъмирлаш учун 3,2 триллион сўм ажратилиши белгиланган. Сув таъминотини яхшилаш ва

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси, маҳалла банкири лавозими таъсис этилди. Ишсизлар ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишли қилиш, тадбиркорликка жалб этиш мақсадида субсидия ва имтиёзли кредитлар ажратилипти. Натижада Ўзбекистонда меҳнатта лаёқатли аҳоли ўртасида ишсизлик даражаси 2020 йилдаги 10,5 фойиздан 2025 йилнинг биринчи чорагида 5,4 фойизга тушди.

сўм зарурлиги аниқланди. Дастлабки босқичда 344 та объектда 1490 километр электр тармоғи тортиш, 540 та трансформатор ўрнатиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажариломоқда.

Президентимизнинг 2024 йил 4 октябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва бандлик соҳасида давлат сиёсатини такомиллаштириш ва самарадорликни ошириш чора-



тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, оғир аҳволдаги маҳаллалар билан уч томонлама (туман ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини ва туман бандлик бўлими) шартнома имзоланди. Унга кўра, хонадон ва кўчаларда мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экиш, деворларни оқлаш, ариқ ва қабристонларни тозалаш, томорқада экин экиш, пиеда юриш ва бошқа фойдали тадбирлар бўйича тарғибот ўтказиш белгиланган.

Томорқа ва деҳқон хўжаликлари еридан самарали фойдаланиш, соҳага замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, маҳаллаларнинг иختисослашувидан келиб чиққан ҳолда юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштиришни қўллаб-қувватлаш учун 2,3 триллион сўм имтиёзли кредит ва 265 миллиард сўмлик субсидия берилгани бунинг исботи.

— Томорқачилик маҳалламизнинг иқтисодий ўсиш нуқталаридан, — дейди Зангиота туманининг Қирғузсар маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Асия Қудайбергенова. — 448 та хонадоннинг барчасида томорқа бор. Шу боис, аҳоли томорқасидан унумли фойдаланиш учун зарур шароит яратиш доимий эътиборимизда. Аънавий экинлар қаторида янги, сермаҳсул, яхши даромад келтирадиган экин экишни ташкил этиш бўйича ташкилий ва тарғибот ишларини олиб бордик. Натижада лимончилик йўлга қўйилиб, манзарали дарахтлар экилди, яхши даромад олиш бўйича илгор тажриба шаклланди. Тажрибамизни оммалаштиришга ҳам эътибор қаратялмиз. Шу кунларда Наманган вилоятининг қатор шароити оғир маҳаллаларида ишларни йўлга қўйишга ўз тажрибам, амалий кўмагим билан ҳисса қўшаётганимдан мамнунман. Ушбу чора-тадбирлар одамларни ишли қилиш, турмуш

шароитини яхшилаш, энг муҳими, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда янги истиқболларни очади.

Бу хайрли ишлар давом эттирилиб, деҳқон хўжаликлари ва томорқани ривожлантириш бўйича алоҳида кенгаш тузилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда иختисослашувни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ривожланган туманларда томорқа ва ижара ерлардан самарали фойдаланиш бўйича ижобий тажрибани босқичма-босқич бошқа туманларга татбиқ этиш орқали худудларда янги “ўсиш нуқталари”ни яратиш мақсадида “Uzagrostar holding” компанияси ташкил этилди. Шу билан бир қаторда, деҳқон хўжаликлари ва томорқа эгаларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча имкониятлар яратилаёттир. Булар ишсизлик муаммосини самарали ҳал этиш бораборида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, энг муҳими, аҳолининг тадбиркорлик кўникмасини ривожлантиришда муҳим қадам бўлмоқда.

Ҳунар — оқар булоқ

Ишсизликни бартараф этишда қўлланаётган янгича ёндашувлардан яна бири ишсиз аҳолини меҳнат бозорига талаб юқори касб-ҳунарларга ўқитишдир. Бугун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тизимида 65 та Касбий кўникмалар маркази бор. Уларда ишсизларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган 70 дан зиёд соҳа бўйича ўқитиш йўлга қўйилган.

Жорий йил 1 июнга қадар 77 минг 900 киши ушбу марказларда ўқишга жалб қилинди. Бундан ташқари, бир қанча нодавлат ва профессионал таълим ташкилотларида ҳам иш қидираётганларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича қисқа мuddатли курслар ташкил этилган. Устоз-шоғирд аънанаси бўйича яратилган тизим ҳам бу борада самара берапти. Касб-ҳунарга ўқитишда вазир тизими йўлга қўйилгани аҳоли учун катта қўлайлик бўлмоқда. Бунда ишсизлар ўзи танлаган касб бўйича ўқув муассасасини эркин танлаш имконига эга. Бу эса соҳада рақобат муҳитини қучайтириб, таълим сифатини оширишга замин яратмоқда. Ўқув жараёнининг 30 фойизи назарий, 70 фойизи амалиёт билан боғлиқ ҳолда ташкил этиляпти. Бу борада Касбий кўникмалар марказлари ва иш бериувчилар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Жумладан, жорий йил 1 июнь ҳолатига кўра, 11 минг фуқаро иш бериувчининг буюртмаси асосида ўқишга жалб қилинган. Ҳозир улардан 7000 нафари ўқишни тугатиб, ишли бўлган. Касб-ҳунар марказларида ўқиётганларнинг аксарияти аёл-қизлар. Опа-сингилларимиз тикувчилик, ҳисобчилик, ахборот технологиялари мутахассислиги каби соҳаларга катта қизиқиш билдирыпти. Ўз навбатида, бандлик хизмати ахборот тизимида касб-ҳунарга ўқиётган аҳолининг иш билан таъминлини ҳолати доимий мониторинг қилиб борилади. Ушбу тизим маълумотига кўра, жорий йил 1 июнга қадар ўқув курсларида ҳунар ўрганганларнинг 26 мингдан ортиги доимий ишга жойлашган, 6000 га яқини ўзини ўзи банд қилган, 300 дан зиёди яқка тартибда тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган.

Бундан аён бўладики, касб-ҳунар марказларида ўқиётган ҳар бир инсон ўқув курсини тугатгач, ишли бўлмоқда ёки тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқда. Бу тизимнинг ўзига хос самараларини намоён этади. Зеро, тафаккурни теран аждроларимиз қайд этганидек, ҳунар — оқар булоқ. Қўлида бирор касби ёки ҳунари бор одам ҳеч қачон ишсиз қолмайди. Шу маънода, ишсизларга ҳунар ўргатиш уларга ризқ йўлини очиш демакдир.

Бу лавҳалар бандлик соҳасида юритилаётган давлат сиёсатининг муайян қисми. Аслида, бу жаҳодаги ишларнинг қамрови анча кенг, аҳамияти чексиз. Ушбу ислохотларнинг натижаси бугун аҳолининг ҳаёти сифати яхшиланаётгани, даромади ошаётгани, дунёқарашини ва ҳаётга интилишни қучайиб бораётгани мисолида янада яққол намоён бўлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва “иш иқтисодиёти” йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида бу эзгу ишлар давомийлигини таъминлаш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қўлай шарт-шароит яратиш орқали ишсизларни доимий иш ўринларига ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, банд бўлмаган шахслар ва камбағал оилаларнинг ишсиз аъзоларини касб-ҳунар, хорижий тиллар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали иш билан таъминлаш, халқаро стандартлар асосида Касбий кўникмалар марказлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш, касб-ҳунарга ўқитиш жараёндарида хусусий сектор улашини ошириш шуллар жумласидан.

Айни пайтда бу йўналишда ҳаётга татбиқ этилаётган муҳим лойиҳалар юртимизнинг иқтисодий қудратини юксалтириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, халқимизнинг бугундиган мамнун, эртанги кунга юксак ишонч билан яшашига замин яратаяди.



Муносабат

2025 йил 17 июль, 145-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz

ТЕЗЛИК ЭМАС,

ҚОНУН УСТУВОР БЎЛСИН

Бошланиши 1-бетда

Масъулларга бу муаммони ҳал қилиш топшириғини бериб, кейинги масала — кундан кунга қурбонлари сони ошиб бораётган йўл-транспорт ҳодисаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Ўтган йили 9364 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Уларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олган. Авариялар туфайли 2203 одам ҳалок бўлган. Энг кўп ўлим ҳолатлари Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида. Жорий йилнинг олти ойида 20 та ҳудудда авариялар сони юқориликча қолмоқда. Афсуски, ҳар тўртинчи аварияда 1 киши ёки кунига ўртача 6 киши вафот этапти.

Албатта, бу фожиалар ортида кўпинча инсоннинг ўзи, аниқроғи, масъулиятсиз ҳайдовчилар турибди. Белгиланган тезликни ошириш, масофани сақламаслик, йўлда телефондан фойдаланиш, чарчоқ ҳолда рулга ўтириш ва ҳатто маст ҳолда ҳайдаш — буларнинг барчаси фақат ҳайдовчи учун эмас, балки атрофидаги юзлаб одамлар учун ҳам хавф манбаи. Аслида, йўл — жавобгарлик майдони. Автомобиль чамбарагини ушлаш фақат машинани эмас, балки ўзи ва бошқаларнинг тақдирини вақтинча “қўлга олиш” дегани. Аммо айрим “учар” ҳайдовчиларнинг “Менга ҳеч нарса бўлмайди”, деган бефарқлиги, “Тезроқ етиб олишим керак”, деган шовша-шошарлиги оқибатида юқоридаги каби қўрқинчли рақамлар ортиб бормоқда.

Ривожланган мамлакатларда ҳайдовчи ким бўлишдан қатъи назар, тасма тақиб, кейин ҳаракатланади. Машина бошқаришда қондаларга эътибор беради. Бизда эса шу тасмани таққан ё қондага риоя қилган лаллайган-у, олдидагини қувиб ўтиб тез ҳайдаган, светофордан ўтиб кетишга улгурган уддабурон деган тескари тушунча бор, ҳарқалай кўпчиликда шу дунёқараш. Таассуфки, бугун катта йўлларда ҳам шундайлар кам эмас. Қондага риоя этиб, белгиланган тезликда секин ҳаракатланиб кўринг-чи, ёндан сиқиб, қувиб ўтиб, каммига ишорали танбёҳ ҳам бериб кетади.



Баъзан тўрт тасмали йўлда ҳам четда пиёдалар ҳаракатланяптими, бирор машина тўхтаб турибдими ёки кўприк устида ҳаракатланяптими, фарқи йўқ, улар чироқларини ёқиб-ўчириб, “Йўл бер!” деб таҳдид қилгани қилган. Ҳайдовчиларда, айниқса, узоқ масофага қатновчиларда бир ёмон одат борки, машина ҳаракатланди дегунча гўёки “вақтни ўлдириш” учун эрмакка телефонни қўлга олади, бу уларни рулдан чалгитмай қолмайди, баъзан бетон тўсиққа қараб кетиб қолиш, улар учун оддий ҳолдир, лекин ёнидаги йўловчининг юрагини така-пука қилиши аниқ. Баъзи ёш ҳайдовчилар эса ўта тасхирчан. Рулга ўтирдими, муסיқани баланд ёқиб, ўшанинг таъсирига тушади, машина бошқаруви ҳам ўша ритмга мослашади, йўлдаги чуқурларни “териш” илинжида қарама-қарши йўналишда ҳам ҳаракатланаверади. Қаршисида машина кўринса, четга қочишга уналлик шошилмайди. Афсуски, бирор ҳодиса юз берса, энг аввало, жабрдийда йўловчи бўлиб қолади. Аксарият ҳолларда ҳайдовчи йўл-транспорт ҳодисаси вақтида ҳимояланиб қолади. Аксар ҳодисалар буни тасдиқлайди. Йўлдаги баъзи ҳайдовчиларга хос олифтагарчилик, ховлиқчи, киёр ортидан келувчи фалокат жабрини оддий йўловчи тортади. Бирор ҳодиса юз бермаган тақдирда ҳам

юқори тезлик, баъзи қўрқинчли ҳолатлар оқибатидаги стресс ёмон касалликларга олиб келмайди, дейсизми? Трассада аксарият қоидабузарлар юқори тезликда ҳаракатланади. Қаерда радар бор, кўчмалари қаерга ўрнатилган, ҳаммасидан хабардор бўлиб туради. Уларда ўзаро тизимли алоқа мавжуд.

“Жаримани тўладим, демак, хоҳлаганимни қиламан” тушунчасига чек қўйилади

Видеоселекторда яна бир муҳим масала — ижтимоий тармоқларда аҳоли, ҳатто таниқли шахслар ўртасида “жаримани тўлаб қўйдим-ку, хоҳлаганимдек юзавераман”, дейиш авж олгани танқид қилинди. Маълумотларга кўра, содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг 34 фоиздан ортиги транспорт воситаларини рухсат этилгандан юқори тезликда бошқариш натижасидир. Ҳаракат тезлиги ошиши билан транспорт воситасининг вақт бирлигида босиб ўтадиган йўли узайиб боради, шунинг билан бирга, вужудга келган хавфнинг олдини олиш учун ҳайдовчининг имкониятидаги вақт камайди. Ўзи шундоқ ҳам кейинги пайтларда тезлик билан боғлиқ вазиятда содир бўлаётган автохалокатлар статистикаси ошиб бормоқда. Афсуски, бу каби юқори тезлик ортидаги қурбонларнинг аксарияти болалар бўлмоқда.

Ўтган йили 9364 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Уларда қарийб 9 минг фуқаро жароҳат олган. Авариялар туфайли 2203 одам ҳалок бўлган. Энг кўп ўлим ҳолатлари Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида. Жорий йилнинг олти ойида 20 та ҳудудда авариялар сони юқориликча қолмоқда. Афсуски, ҳар тўртинчи аварияда 1 киши ёки кунига ўртача 6 киши вафот этапти.

Жазо эмас, билим орқали

Ҳайдовчининг ҳаракати бу ўша шахсининг маданиятини кўрсатадиган индикатордир. Баъзилар қондаларини бузишни “эркинлик”, “мардлик” ёки ҳатто “маҳорат” деб билади. Аслида, бу каби қарашлар инсон ҳаётини таҳдидга солувчи энг хатарли иллатлардир. Ҳайдовчилик маданияти қонун қабул қилиш ё жазо воситасида эмас, балки билим орқали шакллантирилади, янада барқарор ва самарали бўлади.

Шу масалада видеоселекторда Президентимиз кейинги йилларда ҳайдовчиларнинг тайёролаш бўйича янги тизим самара бериши бошлаганини таъкидлаб, лекин пиёдалар, айниқса, ёшларнинг маданияти ва йўл ҳаракати қондалари ҳақидаги билимларини ошириш долзарб масала эканини таъкидлади. Шу ўринда масъул вазирликларга янги ўқув йилигача мактаб ва боғчаларда ҳаракат хавфсизлиги бўйича дастурларни тубдан янгилаш топширилди. Мактаб ўқувчилари ва маҳалладаги ёшлар ўртасида “Яшил чироқ” мусобақалари қайта тикланиб, республика ғолибларига Президент совғаси берилиши маълум қилинди.

Албатта, йўлдаги ҳар бир ҳаракат фақат қондаларга эмас, аввало, тарбия ва маданиятга ҳам боғлиқ. Шу боис, йўл ҳаракати маданиятини шакллантиришни мактабдан бошлаш келажақдаги ҳалокатларнинг олдини олиш демакдир. Чунки инсоннинг ҳаётга, қондаларга, жамиятга муносабати айнан мактабда шаклланади. Болаларга йўл белгилари, пиёдалар ва ҳайдовчилар ҳуқуқлари, хавфсизлик қоидалари ҳақида мулоҳазали дарслар ўтилса, улар бу билимни ҳаёт тарзига айлантиради. Қондалар асосида шаклланган онг ва масъулият вужудга келади. Шу аснода айтадиганимиз: шошилманг, манзилингиз яқин, умр йўлингиз узоқ бўлсин.

Шухрат НОРМУРОДОВ, журналист

ЖАРАЁН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



Бугуннинг гапи

ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ

ЗАМОНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИГА АЙЛАНМОҚДА



Бекзод ШУКУРОВ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Бошланиши 1-бетда

Энди улар нафақат маҳсулотлар, балки хизмат кўрсатиш тармоқларидан ҳам кенг фойдаланмоқда. Натижада кейинги йилларда юртимизда хизматлар соҳаси сезиларли ривожланиб, миллий иқтисодиётимизнинг муҳим ва даромадли йўналишларидан бирига айланди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги бўйича эълон қилинган дастлабки макро-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ҳам шунини кўрсатапти. Унга кўра, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 6,8 фоиз ўсиб, барқарор кўрсаткични қайд этган бўлса, бунда хизматлар соҳасининг ҳам улуши сезиларли даражада ошгани кузатилди. Хусусан, бу йўналишдаги экспорт кўрсаткичлари 3,2 миллиард долларга етиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга юқорилади. Туризм хизматлари ўтган йилга нисбатан қарийб 1,5 баравар, Ай-Ти хизматлари экспорти 2 бараварга ошгани ҳам бозор хизматлари ўсишида катта ҳисса қўшмоқда.

Гап шундаки, аҳоли эҳтиёжлари ва турмуш тарзи ўзгаргани сари, замонавий ва рақобатбардош хизматларга бўлган талаб ошиб боради. Шу жиҳатдан, бугунги глобал иқтисодий ривожланиш шароитида хизматлар соҳаси дунё иқтисодиётининг энг муҳим драйверига айланмоқда. Бу тармоқ нафақат иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, балки янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва ҳудудий ривожланишга хизмат қилади. “World Economic Forum” асосчиси Клаус Шваб хизматлар соҳасига “Бу шунчаки иқтисодий фаоллик эмас, балки инсон эҳтиёжлари ва ҳаёт сифатига берилган амалий жавобдир”, дея таъриф бериб бежиз эмас.

Ўзбекистонда бу йўналиш кейинги саккиз йилда кескин ривожлангани кўзга ташланади. Мазкур соҳага катта эътибор қаратилиб, туризм, Ай-Ти, транспорт, савдо, таълим, тиббиёт ва маънавий хизматлар йўналишида кенг қўламини ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўлаб-қувватланиши ортидан тармоқда янги бизнес эгалари пайдо бўляпти. Туризм ва транспорт соҳаларида йирик лойиҳалар ишга туширилаётгани, иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида рақамли хизматларнинг ривожланиётгани, шунингдек, малакали ва юқори даромадли кадрлар тайёрлаш тизими такомиллашиб бораётгани ҳам бевосита хизматлар йўналишининг иқтисодиётдаги улуши йил сайин ортишига туртки бўляпти.

Шу йилнинг 27 февраль куни қабул қилинган Президентимизнинг тегишли қарори билан хизматлар соҳасини янада ривожлантириш чоралари белгилаб олинди.

Бугунги кунда ҳар бир ҳудуд салоҳиятидан келиб чиқиб янги драйвер лойиҳалар, тадбиркорлар учун қўлайликлар,

хизматлар инфратузилмасини ривожлантириш, инновацион хизмат турларини жорий этиш ва уларда хусусий сектор иштирокни кенгайтиришга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Бонси, хизматлар соҳаси аҳоли даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлашда катта тармоқлардан бири саналади. Масалан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида юртимиз бўйлаб жами 823,2 минг нафар аҳоли бандлиги таъминлангани бунинг исботи. Биргина Миробод туманидаги Тарас Шевченко кўчасининг 200 метр қисми аҳоли ва сайёҳлар учун қўлай бўлган туну кун фаолият юритувчи савдо, туризм ва гастрономик кўчага айлантирилиши ортидан 120 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Кейинги вақтларда пойтахтда бундай кўчалар сони ортиб борапти.

Жумладан, Тошкент шаҳар туманларининг 26 та кўчасини туну кун фаолият юритувчи савдо, туризм ва гастрономик кўчага айлантириш белгиланган бўлиб, улар шу йилнинг 1 сентябрга қадар тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилган. Мазкур кўчаларда мингта лойиҳа доирасида 45 минг аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари бошланган.

Чилонзор туманидаги Ал-Хоразмий ва Қатортол кўчаларининг 4,4 километр қисми ҳам туну кун фаолият юритадиган гастрономик кўчага айлантирилди. Бу ерда 56 та янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 146 та қўшимча иш ўрни яратилди ҳамда мазкур кўчада кунлик 5 минг аҳоли қатновчи 30 минг кишига етишига эришилди.

Бугун нафақат Тошкент шаҳри, балки барча ҳудудларда бу жараён фаоллашган. Ўтган ярим йилликда юртимиз бўйлаб 22,4 мингта яқин янги савдо ва сервис объекти ишга туширилиши натижасида 43,7 мингта яқин янги иш ўрни яратилди.



Бу борада юқори кўрсаткич Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари ҳиссасига тўғри келяпти.

Айниқса, туризм хизматлари даромадли соҳага айланиши ортидан тадбиркорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Биргина мисол. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Бирча шаҳрида тарихий мерос ва замонавий ёндашувлар асосида ташкил этилган “Арда Хива” халқаро туризм мажмуаси бугун энг гавжум манзиллардан бирига айланган. Ҳудудда 17 та меҳмонхона ва меҳмон уйлари, 9 та ресторан, очик ва ёпиқ аквапарклар, 3 минг ўринли амфитеатр, 5 та кино ва концерт зали, 70 та дўкон, 300 та савдо растанси, 11 та ҳунармандлар уйи, Шарқ бозори ва заргарлик маркази фаолият юритмоқда.

Яъни юртимизда туризмнинг ривожланиб бораётгани бarchа турдаги хизматларга талабни оширмоқда. Ўзбекистон кейинги

йилларда туризм салоҳиятини фаол намоеъ этиши баробарида, мамлакатдаги катта ўзгаришлар, замонавий қиёфа, тарихий шаҳарларимиздаги янгиланишлар, иқтисодий ғаровонлик кўрсаткичларининг ошиши хорижликларни ўзига жалб этмоқда. Қолаверса, мамлакатимизнинг сайёҳлик объектилари ва гўзал табиятини намоеъ этиш учун ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилляпти. Ҳудудларда сайёҳлик марказлари, сўлим манзиллар барпо этилмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даври мобайнида юртимизга 4,2 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюриб, уларга 1,9 миллиард долларлик туризм хизматлари кўрсатилди. Таҳлилларга кўра, қўшни ва қолган МДҲ давлатларидан ташқари, бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган туристларнинг улуши ўтган йилги 6,9 фоиздан жорий йилда 8 фоизга ошган.

Чет эллик меҳмонларнинг кўпи юртимиз пойтахтига келиш баробарида, тарихий обидаларимизга саёҳат қилишни хуш кўради. Жаҳон амалиётида айнан тарихий обидалар атрофида турли хизматларни кўрсатиш ҳисобига катта даромад қилиш оммалашган. Яъни саёҳатга келган турист меҳмонхона, ресторан, дам олиш масканлари хизматларига ҳам талабдор бўлади. Шу боис, айни йўналишда қатор лойиҳалар йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Мираки, Амир Темур, Улоҳ ва Полмон маҳаллаларидаги умумий 240 гектар майдонда 400 миллион долларлик 117 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1,7 минг нафар аҳолини доимий иш ўринлари билан таъминлаш имконияти яратилляпти. Мираки қишлоғида замонавий дам олиш маркази ташкил этилиб, савдо ва кўнгилоҳар мажмуа барпо қилиниди, бир вақтнинг ўзида 600 нафар сайёҳни қабул қилувчи меҳмонхоналар, 300 ўринли оилавий хостел очилди.



Гап шундаки, хизматлар кўрсатиш соҳаси кенг йўналиш бўлиб, унда фойдаланилмаган имкониятлар анча кўп. Туризм ва бошқа йўналишларда жуда кўп лойиҳаларни амалга ошириш мумкин. Улардан келадиган даромад эса бевосита мамлакат иқтисодий ривожига ҳисса бўлиб қўшилади. Шу боис, мазкур йўналишдаги тадбиркорлар фаол қўлаб-қувватланишти, молиявий ресурслар ажратилляпти. Хусусан, ўтган олти ойда хизмат кўрсатиш лойиҳаларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 44,6 миллиард лойиҳага 41,5 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Ҳудудларда янги хизмат кўрсатиш ва савдо объектиларини ташкил этиш учун 1,2 минг гектар ер майдонлари 8,6 минг лотга ажратилиб, аукцион савдоларига чиқарилди ва шундан 559,8 гектар ер майдонлари сотилди. Шунингдек, кўча савдо фаолиятини амалга ошириш учун 3,9 мингта яқин ер майдонлари “К-савдо” платформаси орқали савдоларга чиқарилиб, шундан 1,9 мингта сотилди.

Ҳозир юртимизда замонавий турар жой масканларини қуриш қўлами ҳам ниҳоятда юқори. Ана шу уйлارнинг настьки қаватлари ҳам турли йўналишлардаги хизматларни ишга туширишда қўлайлик яратяпти. Масалан, “Янги Ўзбекистон” массивларида қурилган кўп қаватли турар жойларнинг 1- ва 2-қаватларида ташкил этилган 132 та хизмат кўрсатиш объектида 317 та иш ўрни яратилди.

Демак, ҳар бир хизмат кўрсатиш объекти, ўз навбатида, янги иш ўрни, савдо айланмаси, иқтисодий манфаатдорлик дегани. Бу бевосита ички ва ташқи бозорда рақобатбардошликни таъминлайди. Жорий йилнинг ярим йиллик натижаларига кўра эса юртимизда бозор хизматлари ҳажми 459,7 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 13,5 фоизга ўсиши кутилмоқда.





Акмал САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон
Республикаси Миллий маркази
директори, академик

Бошланиши 1-бетда

Битта мисол: 30 апрель кунни Миллий стратегия лойиҳаси бўйича ўтказилган миллий маслаҳатлашувларда вазирилик ва идоралар, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлари, фуқаролик жамияти институтлари, илмий-ўқув муассасалари вакиллари, шунингдек, ишчи гуруҳ ҳамда Миллий марказ ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари қатнашди. Муҳокамаларда лойиҳани такомиллаштириш юзасидан билдирилган бир қатор амалий тақлифлар инобатга олинди.

Аввалги Миллий стратегия — Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясининг ижроси якунланмоқда. Миллий марказ томонидан ушбу ҳужжатнинг бажарилиши ҳар чорақда мониторинг қилиб борилди.

Миллий стратегия доирасида, жумладан, 33 та қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг 2020 йилда — 20 таси, 2021 йилда — 8 таси, 2022 йилда — 3 таси, 2023 йилда — 2 таси ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, 2025 йилнинг биринчи ярмида 8 та қонун, Президентнинг 11 та фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори қабул қилинди.

Янги Миллий стратегия нима учун ишлаб чиқилди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, 2020 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий стратегиясини амалга ошириш инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласининг давлат сиёсатида устувор аҳамият касб этишини кўрсатиб берди, шунингдек, мамлакатимизнинг ушбу соҳада ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 58 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 57 та фармон ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 29 та қарори қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямиздан инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларига тааллуқли нормалар такомиллаштирилиб, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга конституциявий мақом берилди. Ўзбекистон 2021–2023 йилларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши аъзоси сифатида ушбу халқаро тузилма фаолиятида фаол иштирок этди.

Ўз навбатида, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлат сиёсатини янада ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш механизmlарини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларининг ушбу соҳадаги иштирокини кенгайтириш тақозо этилмоқда. Бу долзарб талаб, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор йўналишларини белгиллаб берадиган ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини кун тартибига қўймоқда деб ҳисоблаймиз.

Жаҳон андозалари ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланиб...

Бугунги глобаллашув ва рақамли трансформация жараёнлари фонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги муаммолар янада мураккаб тус олаётди. Янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, ахборот оқимининг кескин ортиши, технологиялар таъсирининг кучайиши инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсат ва амалиётни қайта кўриб чиқиш, замонавий ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда. Шу нуқтани назардан, Миллий марказнинг илмий тадқиқот ишлари жаҳон андозалари ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида олиб бориляпти.

Айниқса, таълим ва малака ошириш соҳаларида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат органлари ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда соҳанинг бошқа манфаатдор субъектлари учун мақсадли ўқув курслари, семинар-тренинглар ва малака

ошириш дастурлари ташкил этилмоқда. Бу маърифий тадбирлар иштирокчиларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро амалиёт билан танишиш имконини беради.

Миллий марказ томонидан 2025 йилнинг биринчи ярмида Ички ишлар вазирилик ҳамда Бош прокуратура билан ҳамкорликда “Қийноққа солишга қарши курашиш: халқаро амалиёт ва миллий тажриба” мавзусида Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида ўтказилган машғулотларда тезкор-қидирув, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширувчи органлар, шунингдек, вилоят, туман (шаҳар) суди судьялари ҳамда суд аппарати ходимларидан иборат 300 нафарга яқин тингловчи иштирок этди.

Фуқароларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси принциплари ва нормалари тўғрисидаги билимини ошириш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда. Янада эътиборлиси, жорий йилда халқаро ҳамжамият Ирқий камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги конвенциянинг 60 йиллиги ҳамда Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси қабул қилинганининг 30 йиллигини кенг нишонламоқда.

Шу муносабат билан мазкур халқаро шартномаларнинг асосий аҳамиятини таъкидлаш ҳамда бугунги кунда юзага келаятган камситишларнинг олдини олиш учун самарали ва инновацион амалиётлар бўйича кенг қамровли кампания олиб бориш мақсадида ҳамкор вазирилик, идора ва ташкилотлар иштирокида Тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва изчил бажарилаётди.

Миллий марказ томонидан БМТ Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси матни ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида нашр этилди. Шу йил 29 январда Инсон ҳуқуқлари уйида ушбу китобнинг тақдимоти ўтказилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ушбу соҳада илмий-амалий тадқиқотлар



олиб боришни ташкил этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида Ички ишлар вазирилик Малака ошириш институти, Фавқулодда вазиятлар вазирилик академияси ва Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

Мониторинг ва экспертиза

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ва минтақавий тузилмалар томонидан берилган тавсиялар мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро стандартларга мослашувида муҳим ўрин тутати. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар доирасида Ўзбекистон Республикаси томонидан тавсияларнинг бажарилиши ҳолати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилмоқда.

Ўтган олти ойда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТнинг устав ва шартномавий органлари ҳамда бошқа механизмларнинг тавсияларини амалга ошириш мақсадида 4 та Миллий ҳаракатлар режасининг ижроси ўрганилди.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига мунтазам таътиб этиляпти. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини инсон ҳуқуқлари бўйича экспертизадан ўтказиш йўлга қўйилган. Жорий йилнинг биринчи ярмида 30 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат мазкур экспертизадан ўтказилди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятлар доирасида Ўзбекистон Республикаси томонидан тавсияларнинг



бажарилиши ҳолати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилади. Кейинги олти ойда халқаро ва минтақавий тузилмаларнинг тавсиялари бажарилиши ҳолати юзасидан 3 та мониторинг ўтказилди.

Хусусан, Миллий марказ томонидан Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Навоий вилоятида хотин-қизлар ҳуқуқлари амалга оширилиши билан боғлиқ муаммолар аниқланиб, уларнинг одил судловдан фойдаланиши ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг самардорлиги даражаси ўрганилди.

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари билан алоқалар

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида самарали фаолият юритиш мақсадида давлат ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Миллий марказ ушбу жараёнда марказий боғловчи бугун сифатида фаолият юритиб, давлат органлари, нодавлат но-тижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан доимий мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ушбу ҳамкорлик ҳуқуқий таълимни ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари бўйича мониторинг ўтказиш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, аҳолининг ҳуқуқий хабардорлигини ошириш каби йўналишларда амалга оширилмоқда. Жумладан, турли давлат идоралари вакиллари, фуқаролик жамияти институтлари фаоллари ва халқаро экспертлар инсон ҳуқуқларига оид миллий ҳаракатлар режалари ва дастурларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор халқаро шартномаларга қўшилган бўлиб, улардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Миллий марказ муҳим мувофиқлаштирувчи орган сифатида фаолият юритади ҳамда

ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим платформа вазифасини бажармоқда.

Бу ерда шу вақтгача Миллий марказ томонидан янги чоп этилган адабиётларнинг тақдимотлари, китоблар тўхфа этиш тадбирлари, инсон ҳуқуқларига оид ўқув машғулотлари, турли мавзуларга оид маҳорат дарслари, учрашувлар, давра суҳбати ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Биринчи ярим йилликда “Инсон ҳуқуқлари уйи” томонидан ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказлари ҳамда турли идора ва ташкилотларга 380 номдаги 1,5 мингта яқин инсон ҳуқуқларига оид адабиёт бегараз тақдим этилди. Шунингдек, 2,5 мингта яқин номдаги 4 минг 200 дан ортиқ нусха адабиёт IRBIS дастурига киритилиб, уларнинг электрон каталоги яратилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни тарғиб этишда ахборот сиёсати ҳамда маданий-маърифий ишлар муҳим ўрин тутати. Бу йўналишларда жамоатчиликнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳолис ва ишончли маълумотлар тарқатиш, шунингдек, ижтимоий адолат ва бағрикенглик гоиларини мустаҳкамлаш Миллий марказ фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир.

Миллий марказ оммавий ахборот воситалари, интернет платформалари ва ижтимоий тармоқлар орқали инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим мавзуларда мақола-лар, интервью, видеоролик ва таҳлилий материаллар тайёрлаб, аҳолига етказиб келмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 2 минг 800 га яқин ахборот Миллий марказ расмий сайтига жойлаштирилгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир.

Жамиятда ҳуқуқий саводхонликни ошириш ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш маданиятини ривожлантиришга қаратилган адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш бўйича тизимли ишлар қилинмоқда. Кейинги олти ойда 13 та номда босма ва электрон нашрлар чиқарилди. Бунда учта асосий йўналиш — инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатлар тўпламларини давлат тилида нашр этиш, ўқув адабиётларини тайёрлаш, шунингдек, маърифий материалларни нашр этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, Миллий марказ муассислигидаги “Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” ҳамда Миллий марказ ҳаммуассислигидаги “Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари” журналларининг иккитадан сони нашрдан чиқди.

Натижалар ва самаралар

Ўзбекистон БМТнинг асосий инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномаларига қўшилган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва минтақавий ташкилотлар ҳамда тузилмалар, хорижий мамлакатлар миллий институтлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Жорий йил бошидан Миллий марказ директори БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасида сайланган аъзо сифатида ўз фаолиятига киришган бўлса, директорнинг биринчи ўринбосари 2025–2028 йилларга Ислом ҳамкорлик ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясига аъзо этиб сайланди.

66 Миллий стратегия доирасида, жумладан, 33 та қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш назарда тутилган. Ушбу ҳужжатлар лойиҳаларининг 2020 йилда — 20 таси, 2021 йилда — 8 таси, 2022 йилда — 3 таси, 2023 йилда — 2 таси ишлаб чиқилди. Ўз навбатида, 2025 йилнинг биринчи ярмида 8 та қонун, Президентнинг 11 та фармон ва қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 6 та қарори қабул қилинди.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси, БМТ тизимидаги дастурлар, фондлар ва ихтисослаштирилган муассасалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида қатор тадбирлар ташкил этилди. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг махсус тартиб-таомиллари (процедуралари) билан амалий ҳамкорлик изчил давом эттирилмоқда.

Шунингдек, 2025 йилнинг биринчи ярмида Миллий марказга БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши махсус маърузачиларидан ҳамда яқка тартибдаги мурожаатлар бўйича жами 60 та ҳужжат келиб тушди. Уларда келтирилган масалалар юзасидан вазирилик ва идоралар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Миллий марказ томонидан жавоб хати тайёрланиб, махсус маърузачига тақдим этилди.

Қолган мурожаатлар юзасидан тегишли вазирилик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Ушбу жараёнда мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари пухта таҳлил қилиниб, халқаро мажбуриятлар ҳамда миллий қонунчилик талабларига мувофиқ равишда муносабат билдирилиши таъминланмоқда.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) билан ҳамкорлик доирасида Термиз ва Фарғона шаҳарларида Жазони ижро этиш департаменти тиббиёт ходимлари ва Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази суд-тиббий экспертлари учун семинар-тренинг ўтказилди.

Ўтган даврда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш доирасида Миллий марказ вакиллари АҚШ, Озарбайжон, Қатар, Бельгия, Швейцария, Россия, Қозғоғистон ва Туркменистон каби давлатларга ташриф буюрди. Ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро тажриба алмашиш ҳамда самарали алоқаларни давом эттириш мақсадида Миллий марказга халқаро ҳамкорларнинг қатор ташрифлари амалга оширилди.

Миллий марказ билан Венгрия Асосий ҳуқуқлар бўйича вакили ўртасида ўзаро аниқлашув меморандуми имзоланди. Бундан мақсад, хорижий ҳамкорликни янада ривожлантириш, энг яхши амалиёт ва ахборотлар, жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар алмашишдан иборат эканини таъкидлаш лозим.

Мухтасар айтганда, жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Ушбу соҳадаги институционал механизмлар такомиллаштирилди ва халқаро стандартларга мос равишда самарали амалиётлар жорий этилди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий стратегик ҳужжатлар ижроси, жумладан, миллий ҳаракат режалари ва соҳавий дастурларнинг амалиётга таътиб этилишига алоҳида эътибор қаратилди.

НОМУЎХИМДА ОҚАЁТГАН МУЎХИМЛАР



Муҳтарама УЛУГОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими

“Енгил ва қулай” деймизу...

Ҳаёт ривожланаверади, одамлар имкон қадар турмушни енгиллаштирадиган самарали йўллари излайверади. Айтилик, кейинги пайтларда “енгил”, “қулай”, “арзон” деган сабаблар билан ҳар хил сунъий мато, материаллардан тайёрланган идишлар, кийимлар сотиб олиш урф бўляпти. Лекин унутмайлик, бу енгиллик, самарадорлик саломатлигимизга, жисмоний-руҳий оламимизга ижобий таъсир этса, асосли яхшиликлар олиб келсагина ҳикматли, фазилатли бўлади. Уйимиздаги эмалланган, зарарсизлиги синналган тоғораю кострүл-калар, идишларни бир чеккага қўйиб, сал қиздирилса, таркиби ўзгариб, ичидаги махсулотга асорат етказадиган пластмасса нарсаларни сотиб олдик. Бунинг орқасидан саломатлигимиз, гигиенага эътиборимиз, озодалтигимиз, тежамкорлигимиз емирилиб борса, қани ҳикмат?

Мана, кундалик ҳаётимиздан бир мисол. Айни мева-лар пишиб, бозорларда арзончилик ҳукм сурган, ҳатто туғ, ўрик, олма-лар тагига тўкилиб ётган пайтда улардан ҳар куни компоту шарбатлар тайёрла-ётганлар кўпи ёки йўл-йўлакай дўкон-лардан ҳар хил кимёвий ранг ва таъм берувчи моддалар қўшилган сувлар сотиб олиб, ёш боласига-ям тутқазиб қўядиган-лар бисёрми? Бу саволга жавоб ўйларкан-ман, “Ора-мизда кундалик соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга онгли ёндашадиган, айни йўналишдаги илмий-оммабоп адабиётларни, мақола-лар, маслаҳатларни ўқийдигану танилайдиганларнинг бошқа-ларга нисбати қандай экан?” деган фикр кўнгилдан ўтди. Расмий маълумотларга қарадим, саволнинг жавоби ачинарли. Босма нашрларга, китобхонликка жамият муносабатини яхшилаш, юксалтиришга қаратилган ҳукумат даражасидаги тад-бирларнинг самараси бор, аммо бу натижа ҳозирча арифметик прогрессия даражаси-даям кўтарилаётгани йўқ.

“Ана энди видеофильмлар томошабинлари билан болалар тарбияси мавзусидаги подкастлар кузатувчиларини солиштириб кўрамиз. Рақамлар моҳиятидаги ҳолатни тасаввур этишга ҳаракат қилинг: “Ўсмир ёшидаги фарзанд билан муомала қондалари”ни 3 йил давомида 40 000, “Бир ҳафталик келин”ни 3 ойда 2 900 000 киши кўрган. “Витамин D танқислиги ва унинг оқибатлари”ни 3 йилда 674 000, “Бир соатда бузилган фотиҳа”ни 2 ҳафтада 1 500 000 киши кузатган.



Тежалган вақтни нимага сарфляпсиз?

“Бугунги кунда ижтимоий тар-моқларни ўқиш, маълумот олиш ҳаммага қулай бўлиб қолди” — бу аксарият одамларнинг фикри. Ҳадиси шарифда илм олиш учун Чин (Хитой)га бўлса-да бориш кераклиги айтилган экан, қўлимиздаги замонавий воситадан жон-жон деб фой-даланамиз-да!

Шу мулоҳаза билан ижтимоий тармоқни аста “варақлай” бошладим. Хо-надонда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйишга би-ринчи навбатда аёллар — уй бекалари бош-қош, ғамхўр, жон-куяр бўлади. Бу жиҳатдан уларга фарзандлар тарбияси, пазандалик, бичиш-тиқиш, тежамкорлик мавзу-ларидаги илмий-оммабоп мақола-лар, маслаҳатлар ҳаминча қизиқариб бўлиб келган. Эсимда, бир вақтлар миллиондан ортиқ ададда чиқади-ган “Саодат” журна-лининг кўпчилик муштарийлари наشرни орқа саҳифалардан — бола тарбияси, па-зандалик, бичув-тикув, каштачиликка оид материаллардан бошлаб ўқирди. Аёл ҳар қандай вазиятда, биринчи навбатда, она, уй бекаси-да! Ҳозир ҳам ижтимоий тар-моқларда шу мавзуларда тайёрлаб қўйил-ган постлар, видеолавҳалар оз эмас.

Шу мақсадда ижтимоий тармоқдан аёл-бекалароб постлар, видеолавҳалар мавзуси, савияси ва уларни кузатувчилар қанчаллигини ўрганоқчи бўлдим. Турли ТВ ва шахслар томонидан тайёрланиб, ижтимоий тармоққа қўйилган “Қишлоқки қизнинг шаҳардаги аччиқ қисмати” (Сар-лавҳалар қандай ёзилган бўлса, шундай кўчирилди), “Ёши ўтган қиз”, “Отахонга алданган қиз”, “Янги келиннинг сири чи-милдиқда фош бўлди”, “Охиратни ўйла-маган фотиҳа”, “Етмиш ёшли ошик”, “Ке-лининидан гумоним бор”, “Иккинчисига уйланган эр”, “Ношукр келин”, “Шубҳали келин”, “24 соатли келин”, “Тунги клуб-дан топилаган келин”, “Эрини хиёнатини кўрган аёл”, “Жазманимга келин бўлдим”, “Азага айланган тўй”, “Мақтанчоқ келин”, “Қўшнисини аёлига кўз олайтирган йи-гит”, “Бир ҳафталик келин”, “Бир соатда бузилган фотиҳа”, “Тўйи бузилган қиз”, “30 кунлик қайнона”, “Хотиним ўлиб, мен бойиб кетдим”, “Сотилган ота-она”, “Қай-нонасини урган келин”, “Тобутдан чиққан чақалоқ”, “Етим келин”, “Қайнонасини бўғиб ўлдирган келин”, “Ўз эримга бего-наман”, “Бева келин”... каби видеофиль-лар чиқиб кела бошлади. Уэр, бу номларни шунчаки саҳифаларни кўпайтириш учун ёзмадим. Тўлиқ бўлмаган айни рўйхат-ни ижтимоий тармоқда бу каби видео-лар чирмовуқдек илдиз отаётганини ҳис



этишингиз учун келтирдим. Уларни бир қадрдонимга қўйиб бергандим, “Э, тўхта-тинг, ичим қорайиб, кўнглим бехузур бў-либ кетди!” деди.

Кейин аёлларнинг кундалик ҳаётдаги энг муҳим масъулияти — фарзанд тарби-яси билан боғлиқ мавзулардаги подкаст-лар, видеоларни қараб қидим: “Ўғил бола тарбиясидаги муҳим жиҳатлар”, “Нега болалар бемехр бўлиб улғаяди?”, “Болага дадил бўлишни ўргатишнинг 13 усули”, “Витамин D танқислиги ва унинг оқибатлари”, “Ўсмир ёшидаги болалар би-лан муомала қондалари”...



Ана энди видеофильмлар томошабин-лари билан болалар тарбияси мавзусидаги подкастлар кузатувчиларини солиштириб кўрамиз. Рақамлар моҳиятидаги ҳолатни тасаввур этишга ҳаракат қилинг: “Ўсмир ёшидаги фарзанд билан муомала қондалари”ни 3 йил давомида 40 000, “Бир ҳаф-тали келин”ни 3 ойда 2 900 000 киши кўрган. “Витамин D танқислиги ва унинг оқибатлари”ни 3 йилда 674 000, “Бир со-атда бузилган фотиҳа”ни 2 ҳафтада 1 500 000 киши кузатган. Болаларнинг ёш хусу-сиятлари билан боғлиқ ўзгаришлар мав-зусидаги руҳиятшунос суҳбатини 5 йилда 511 000, “Тўйи бузилган” қиз видеосини 5 ойда 3 500 000 киши томоша қилган... Кўриниб турибдики, илмий-маърифий подкастлар, суҳбатлар кузатувчилари сон жиҳатидан видеофильмлар томошабинла-рининг чангига қилиб кетяпти.

Эсиз, миллион-миллион соатлар...

Энди нима учун гапни аёллар қулай, арзон, чиройли нарсалар сотиб олиш-га берилиб кетаётгани, жисмоний ва руҳий саломатликка, оилада мўътадил муҳит барқарор бўлишига бево-сита таъ-сир этадиган дастурхондаги таомларни



тайёрлашга ҳафсаламиз, ихло-симиз, эътиборимиз, вақтимиз танқислашиб бораётганидан бошлаб, кутилмаганда ижтимоий тармоқларга ўтиб кетганим сабабини англаган бўл-сангиз керак. Жуда кўп опа-сингилари-миз ўзлари билиб-билмай фарзанд тар-биясидан, рўзгор ишларидан “иктисод қилган” вақтларини нафақат турмуш тарзларини ташқи қиёфаларини ўзгарти-ришга, шунингдек, қалблардан миллий урф-одатларни емириб ташлагувчи, бой-лигу мансабни орзу-истакларнинг бош мезони деб тарғиб этувчи, ўрни келган-да, илмли ва хунарли бўлишдан қўра, ёлғону хийлалар билан иш битиришни, ўзбек оиласида каттаю кичиклар ўртаси-да сақланиб келган ўзаро ҳурмат асоси — андишаю ҳаё пардаларини юлиб-йиртиб

видеофильмлар бу жанр олдига қўйилган талабларнинг бирортасига жавоб бермай-ди! Уйдирма воқеалар, миллий урф-одат-ларимизга тескари таққинлар, на давлат-чилик ва на инсоний қонунларга тўғри келмайдиган ечимлар, узил-кесил ижобий ва салбий кутбларга бўлиб ташланган қаҳрамонларнинг сохта муаммолар теги-ромига сув қуйиши... ва яқунда улар бир “думалаб” бошқача табиатли қаҳрамон-га айланишини юқорида тилга олинган видеоларнинг ҳаммасида кўриш мумкин.

Деврли барча видеоларда ижобий қаҳра-монлар меҳнат ёки изтироблар гирдобиди, қолганлар асосан диванда, ошхонада ўтириб ёки тик турганча унинг камбағаллиги, пул топмаслиги, тўйдан кейин ўзгариб қолгани каби масалаларни муҳокама қилади. Ҳамма видеофильмлардаги қаҳрамонлар қиёфа-лари... ёшу кекса ролини бажарган актёр-ларнинг қоши, кўзи, лаблари, юзлари битта пардозчининг қолипидан чиққандек гўё. Айрим видеофильмлар воқеаси анча муддат чўзилган бўлса ҳам қаҳрамоннинг либоси ўзгармайди. Тасвирчининг “маҳорати” тўй воқеаларини видеога олаётган ҳаваскорнинг ишидан деврли фарқ қилмайди. Мана, ай-рим мисоллар:

Меҳрибонлик уйида тарбияланган, ёши ўн еттига етиб, мустақил ҳаётга қа-дам қўяётган қизнинг қувёи — “севдим, ўлдим, кўйдим” билан уйланган ёш йигит тўйдан кейиноқ қиз ўзига уй сотиб олиши учун давлатдан олган пулини тоғасига бе-риб қўйгани учун шундай асабийлашадик-ки, “Мен сenga етим бўлганинг учун уй берилишини ўйлаб уйланганман”, деган гапни ошкор айтади. Ҳатто келинга қўл қотаради. Қаерданлиги номаяълум, худди омондан тушгандек, кимдир келинга ҳар куни картошка олиб келиб беради, келин уни сотиб, пулини уйига олиб келади. Касал бўлиб картошканинг бир қисмини сотолмай эртароқ уйга келса, дангилла-ма ҳовлининг уй бекаси бўлган қайнона ҳамда ишининг тайини йўқ қувё: “Нимага эрта келдинг бор, ҳаммасини сотиб кейин келасан”, деб ҳайдайди. Хуллас, келин бо-ласи билан бу уйдан қочиб ички ишлар бў-лимига боради. Ички ишлар ходими битта саҳна кўринишида ҳам терговчи, ҳам про-курор, ҳам суд идорасининг ишини бажар-ди. Очилган ажратиб, келин ёлғиз қолга-ни учун унга бир хонали уй берилганини айтади — катталар учун эртақ, шундай эмасми?

Яна бир видеофильмда оғир дардга уч-раган онасини даволатгани пул ундириш учун жисмонан, ақлан, маънан етуклик ёшда бўлган икки опа-сингилнинг битта-си (27 ёшда) етмиш ёшли чолга турмушга чиқади. Ўзидан анча кичкина қудасини даволатишга ёрдам берган қувё ёш хо-тини ҳаётини ҳам ўз дунёсига қамайди. Чол-нинг элик ёшлар атрофидаги қизи ҳам фарзанди тенги “она”сига зулм ўтказишда

отасидан қолишмайди. Хуллас, келиннинг ҳомиладорлигидан ваҳимага тушган қувё ва меросхўр қизининг ур-сурлари натижа-сида келин йиқилиб ҳушини йўқотганда, қиз ва отанинг виждони, шафқати бирдан уйғониб кетади, бу ёғи омон-омон, “муро-ду мақсадларига етибди”, дегандек...

Видеофильмлар бошдан оёқ тортишув-лар, шубҳалар, уриш-жанжаллар, тўхмату уйдирмалар, икки томонга бўлиниб олган қаҳрамонларнинг ўзаро норозиликлари асосига қурилган. Аммо бу нотинчликлар, асабийликлар, куйиб-ёнишларнинг асо-сида на шахс, на оила, на жамият шаъни, тақомили ва тараққиётига ҳисса қўшиши мумкин бўлган заррача сабаб, дард йўқ.

Илгари бекорчи қўни-қўшилар кўчада ўтириб асосан келинлари ҳақида гаплаша-ди дер эдик. Энди эса ўзини видеофильм яратишга иқтидорли деб ўйлаган айрим жамоалар, шахслар ижтимоий тармоқлар-да миллионлаб одамларга қайнона-келин гийбати, ёлғон уйдирмалари билан сод-даю тажрибасиз одамларнинг ҳаёт ҳақи-даги тасаввурларини бузаяпти. Жамият тараққиётига ҳисса қўшаётган, оилалару маҳаллаларнинг фахри бўлган оналар, келинлар шаънини ерга уряпти. Афсуски, одобни беодобдан ўрганадиганлар эмас, беодобдан беодоблики ўрганадиганлар ҳам оз эмас. Номлари келтирилган акса-рият видеофильмлардаги худбинлик, зулм, андишасизлик, тўхмат, шафқатсизлик, уятсизлик, бекорчилик, таъмагирлик, ен-гил-еллиликни кузатиб ўтириб, “Шундай қилса бўларкан-ку”, деб хулоса чиқараёт-ганлар, бундай томошаларни кўравериб, оқибати бахтсизлик бўлган иллатларни ўз табиғатида беихтиёр сингдириб олаётган-лар камми, кўпми?

Яна энг оғриқли жиҳат. “Қувурдан сув томчилаб турса, бир кунда (ҳафтада, ойда) фалон микдордаги обихаёт исроф бўлади”, деган гапни кўп эшитганимиз, ўқиганимиз. Биз кузатган видеофильмлар асосан 40-50 дақиқа орасида давом этади. Бемаъни, ахлоқбузар видеофильмларга термилган миллионлаб томошабинлар вақти қўшил-са, қанақа рақам чиқаркан? Битта миллион эмас, кун оралаб миллионлаб юртдошла-римизнинг азиз, ғанимат, тоғилмас умри бу маънавий офатга ем бўлмоқда.

На моддий, на маданий, на маънавий томондан фойдаси бўлмаган бундай “ки-ноасар”лари ҳам бир марта фойдаланиш-га мўлжалланган ялтироқ, жимжамдор, диққатни тортадиган сунъий буюмларга ўхшатиш мумкин. Унга азбарой бекорчи-лик, муҳимдан номухимни фарқлама-лик, тўғри маслаҳат олмаслик туфайли сарфла-ган вақт увол. Соатларнинг, кўз нури-нинг, асабингни сарфлаб, эвазига вақтинг-нақ-дингни, жисмоний-маънавий саломатли-гингни, чиройли фазилатларингни бой берасан. Аёл, она, ота, фарзанд, шахс си-фатида зимманда бўлган вазифаларни бажармаслик оқибатида оила ва жамият-да ҳурматинг, қадринг, обрўйинг, моддий маффаатларингдан мосуво бўласан.

Қалбнингда ёруғлик, яхши ишларга рағ-бат, ҳаётга муҳаббат, эзгуликка интилиш туйғуларини тарбиялайдиган ҳақиқий ба-дийий ва санъат асарларимиз оз эмас. Зиё-лилар, устозлар, маҳалла фаоллари, ёшлар етакчилари ҳақморликда уларни тарғиб қилиш, жамиятга кенг ёйиш йўллари-ни топиш, турмушга татбиқ этиш бутуннинг энг долзарб вазифаларидан бири. Халқи-миз маънавияти, маданиятини асраш, юксалтиришга масъул идора, ташкилот-лар жамият умкига, ахлоқ-одобига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай воситалар йўлини қонуний асосда тўсиш чораларини кўришга ташаббускор бўлиши керак. Элингиз доно мақолида айтилдики:


Оезига келанни немек

Олдига келанни емак

нодоннинг иши,

хайвоннинг иши.

Улғайиб келаётган авлодга хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, барча неъматлардан тўғри, ўринли, яхши ният ва эзгу оқибати кўзлаб фойдаланишда катта авлод моддий бўлиши шарт.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-746.
34972 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳо-си келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусахҳх: Шерзод Маҳмудов

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқуни — 21:00 Тошхирилди — 22:50